

САИДОВА ЛОЛА АБДУВАХИДОВНА

НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР
ВА УЛАРНИНГ ГЕНДЕР
ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ

Методик қўлланма



САИДОВА ЛОЛА АБДУВАХИДОВНА

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ
ГЕНДЕР ЭКСПЕРТИЗАСИНИ
ЎТКАЗИШ

Методик қўлланма

Тошкент – 2022

УЎК: 347.156 (575.1)

C-21

Л.А.Сайдова. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг гендер экспертизасини ўтказиши / Методик қўлланма – Тошкент: 2022. – 24 б.

Тақризчилар:

Г.Юлдашева – Юридик фанлар доктори, профессор

Ш.Ганибаева – Юридик фанлар номзоди, доцент

Масъул муҳаррир:

Ш.Умарова – Юридик фанлар номзоди, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш вазирлиги юридик бўлим бошлиғи.

Методик қўлланма Ўзбекистонда норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг гендер экспертизаси масалаларига бағишлидан. Унда қонун ижодкорлиги фаолияти, тушунчаси, босқичлари, норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг экспертизаси қай тартибда ўтказилиши, уни манфаатдор давлат ташкилоти, органлари билан келишиш ва шу каби жараёнлари таҳлил қилинади. Шунингдек, норматив-хуқуқий лойиҳалар тайёрлашда гендер-хуқуқий экспертиза ўтказилишининг муҳимлиги масалалари кўриб чиқилган.

Методик қўлланма соҳа мутахассислари ҳамда кенг оммага мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш Маркази ўқув-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

**© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази, 2022 й.**

Мундарижа

I Боб. Қонун ижодкорлиги фаолияти ва гендер экспертизаси	4
1.1 Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси	4
1.2 Норма ижодкорлиги тушунчаси ва унинг босқичлари	6
1.3 Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг экспертизаси.....	10
1.4 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лоиҳаларини келишиш	12
1.5 Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини норматив- ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш	12
II Боб. Қонун лойиҳасини такомиллаштиришда гендер экспертизасининг аҳамияти.....	16
2.1 Гендер тушунчаси	16
2.2 Гендер экспертизаси тушунчаси ва вазифалари.....	17
2.3 Гендер экспертизасининг субъектлари	18
2.4 Гендер экспертизасини ўтказиш усуллари.....	19

I БОБ. ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИ ВА ГЕНДЕР ЭКСПЕРТИЗАСИ

1.1

Норматив-хуқуқий ҳужжат тушунчаси

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маъмуни ташкил қиласди.

Норматив-хуқуқий ҳужжат умуммажбурий давлат кўрсатмалиари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади. Мазкур органлар ва шахслар томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама қилиш, уни экспертизадан ўтказиш, уларнинг лойиҳаларини келишиш, тегишли тартибда қабул қилиш учун киритиш, ўрганиш ва такомиллаштириш жараёнининг барчаси норма ижодкорлиги дейилади.

Норма ижодкорлиги фаолияти ўзига хос босқичлардан иборат бўлиб, барча босқичларда қуйидаги асосий принципларга амал қилинади:

- қонунийлик;
- ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва қоидалари устунлиги;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини;
- жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилиш принципи;
- ошкоралик;
- илмийлик;
- ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишининг тизимилилиги ва тўлиқлиги;
- ҳуқуқий тартибга солишининг адекватлиги принципи;

– ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солища барқа-рорлик.

Ушбу принциплар орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқ манфаатига хизмат қилишига ҳамда давлат ва халқ манфаатлари тўқнашганда, халқ манфаатлари устун келишига эришилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турлича бўлиб, улар қабул қилган орган ёки шахс, амал қилиш ҳудуди ва жойи, муддати кабиларга қараб қуидаги турларга бўлинади:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунлари;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Инсон ҳуқуқларини кафолатловчи, шужумладан гендер масалаларининг ҳал қилинишида муҳим аҳамият касб этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар – бу Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг қонунлариидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конституциявий қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қонунлари – Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари эса, энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни, шу жумладан давлат фаолиятининг сиёсий-хуқуқий ва ижтимоий – иқтисодий соҳалардаги асосий йўналишларини тартибга соладиган ва Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган, Сенати томонидан маъқуланиб, Президенти томонидан имзоланадиган ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатdir

Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда мудофаа доктринаси тўғрисидаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар фақат конун шаклида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солишининг принцип ва нормаларини мустаҳкамловчи ва ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тўлиқ хуқуқий тартибга солишини таъминловчи, тизимлаштирувчи норматив-хуқуқий ҳужжат бўлган кодекслар шаклида қабул қилиниши мумкин.

1.2

Норма ижодкорлиги тушунчаси ва унинг босқичлари

Норма ижодкорлиги жараёни, авваламбор, норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштиришдан бошланади. Ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солиш ёки қонунчилик нормаларини такомиллаштириш мақсадида норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар норматив-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга оид жорий (ярим йиллик ва йиллик) ва истиқболли (бир йилдан ортиқ муддатга) режалар (дастурлар)ни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишига доир режалар (дастурлар) норматив-хуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиши илгари сурувчи органлардан, шунингдек, фуқароларнинг жамоавий мурожаатларидан келиб тушган таклифлар асоси-

да шакллантирилади.

Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун режалар (дастурлар)да қўйидагилар ифодаланади (кўрсатиб ўтилади):

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳани қабул қилиш заруриятининг асослантирилиши;
3. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатларнинг таҳлили;
4. Молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар;
5. Тайёрлаш муддати;
6. Лойиҳани тайёрлаш учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари;
7. Норматив-хуқуқий хужжат тури;
8. Амалга ошириш механизми;
9. Хужжат қабул қилинишидан кутилаётган натижалар.

Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш режалар (дастурлар)ига киритилмаган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш учун қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Режалаштирилган норматив-хуқуқий хужжатнинг қабул қилишгача бўлган кейинги босқичи – бу норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлаш бўлиб, у қўйидаги босқичлардан иборат:

- лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш ва уни тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- лойиҳа тайёрлашни ташкилий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш;
- зарур материаллар ва ахборот тўплаш;
- фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил этиш;
- имтиёзлар бериш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети хамда давлат мақсадли жамғармаларидан маблағлар ажратилишининг мақсадга мувофиқлигини асослаш;
- лойиҳанинг концепцияси баён қилинган тушунтириш хатини ишлаб чиқиш;
- лойиҳа матнини тузиш;

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг гендер экспертизасини ўтказиш

– ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертизадан ўтказиш.

Норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқувчи томонидан тайёрлаш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тегишили равища киритиш муддати, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, иккى ойдан кам ва олти ойдан кўп қилиб белгиланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритишнинг хусусиятлари «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган.

Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун лойиҳани ишлаб чиқаётган ташкилот ёки шахс томонидан ишчи гуруҳи тузилиши мумкин.

Норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган, зарур ҳолларда, норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни давлат органларига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки уларга шартнома асосида буюртма беришга ҳақлидир.

Норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган, зарур ҳолларда, норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг муқобил лойиҳаларини тайёрлашни бир нечта давлат органига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек, энг яхши норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси учун танловлар ўтказишга ҳақлидир.

Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ишлаб чиқувчи қонун ҳужжатларининг ҳолатини, лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича қўлланилиш амалиётини ўрганади.

Ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир күрсатаётган нұқсонлар ва зиддиятларни, шунингдек, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шароитларни аниқлайди. Шунингдек, лойиҳани ишлаб чикувчилар муаммо юзага келган бўлса, уни ҳал этиш усусларини, рақобатга таъсирини таҳлил қилиш, тартибга солишининг янги воситалари ва тартибини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолаш, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил этишни назарда тутувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини мажбурий баҳолашдан ўтказади.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек, айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ҳамда тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ва улардан фойдаланади. Бу жараёнда энг мұхими – халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олиш, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳисобланади. Шу ўринда уни экспертизадан ўтказиш чора-тадбирларини кўради.

Қонун лойиҳаси устида ишловчи норматив-хуқуқий ҳужжатни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий-иқтисодий харажатларга бўлган эҳтиёжни, уларни қоплаш миқдорлари ва манбаларини аниқлайди, кутилаётган харажатларни норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинишидан кутилаётган натижаларга мутаносиблигини баҳолайди, норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасига дахлдор ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатини аниқлайди.

1.3

**Норматив-хуқуқий ҳужжат
лойиҳасининг экспертизаси**

Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси хуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 39 -моддасига кўра, қонун лойиҳаси қўйидаги экспертизалардан ўтказилади:

Хуқуқий экспертиза давомида норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек, ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг хуқуқий экспертизаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилади:

– Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига кўра иқтисодий, молиявий, илмий, давлат экологик, коррупцияга қарши экспертизадан, шунингдек, бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкин.

– Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг иқтисодий экспертизаси қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган ижтимоий-иктисодий соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқлиги баҳолашни амалга оширишга йўналтирилган.

– Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг молиявий экспертизаси норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қоидаларини бюджет тизими бюджетларининг даромадлар ва харажатларнинг баланслилигига таъсирини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

– Лойиҳаларнинг илмий экспертизаси энг мураккаб норматив-хуқуқий ҳужжатлар бўйича асосланганлигини, ўз вақтидалигини, лойиҳасининг қабул қилиниши муносабати билан юзага келиши

мумкин бўлган ижобий ва салбий оқибатларни аниқлаш мақсади-да амалга оширилади.

– Лойиҳаларнинг лингвистик экспертизаси норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари матнларининг стилистик сифатини, юридик матнларнинг функционал-стилистик хусусиятларини, типологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда замонавий адабий тил нормаларига мувофиқлигини, шунингдек, икки ва ундан ортиқ тилларда тайёрланган норматив-хуқуқий хужжатлар матнларининг ўзаро мувофиқлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали амалга оширилади.

Экспертлар сифатида норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва (ёки) шахслар жалб қилинади. Экспертиза ўтказиш учун олимлар ва мутахассислар, шу жумладан, бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар жалб этилиши мумкин. Экспертлар норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасига баҳо беришда мустақиллар ва улар экспертиза ўтказишни топширган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ бўлмайди.

Экспертларнинг норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси бўйича хulosалари тавсия хусусиятига эга ва ишлаб чиқувчи ёки норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилувчи орган томонидан кўриб чиқилиши керак. Хulosанинг инобатга олинмаган бандлари юзасидан тегишли тушуниришлар берган ҳолда маълумотнома тайёрланади.

Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари мажбурий тарзда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади. Ушбу экспертиза Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилувчи орган ёки ишлаб чиқувчинг юридик хизмати томонидан ўтказилиши лозим. Коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш жараёнида мустақил эксперталар ва ихтинослаштирилган соҳа мутахассислари ҳам жалб қилиниши мумкин. Коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш жараёнида ҳар бир норма ёки қоидани таҳлил қилиш, шунингдек, маълум бир соҳада норматив-хуқуқий хужжат қоидаси, меъёрларини бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқлик даражаси таҳлил қилинган ҳолда амалга оширилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг гендер экспертизасини ўтказиш

Юқорида қайд этилган қонунда қонун лойиҳасининг гендер экспертизаси тўғрисида норма мавжуд эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартағи 192-сон қарорига асосан Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган.

1.4

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ложиҳаларини келишиш

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари мажбурий тартибда манфаатдор давлат органи ва ташкилотлари билан келишилади. Келишиш учун юборилган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг (алоҳида ҳолларда – уларнинг нусхаси) лойиҳалари манфаатдор давлат органи ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари (алоҳида ҳолларда – уларнинг биринчи ўринбосари) томонидан қонунда белгиланган муддат давомида келишилади. Агар 10 кун муддат ичидаги манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳужжат лойиҳасига муносабат билдирилмаган такдирда, норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини келишмаган давлат органи ва ташкилотига унинг оқибатлари бўйича тўлиқ жавобгарлик юклатилган ҳолда норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси эътиrozларсиз келишилган деб ҳисобланади.

1.5

Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш

Тайёр бўлган ҳужжат лойиҳасини уни қабул қилувчи органга киритиш тартиби “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, тайёrlанган норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга давлат тилида, зарур ҳолларда – унинг бошқа тиллардаги таржимаси билан киритилади.

Тайёrlанган норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси норма-

тив-хукуқий хужжатни қабул қилувчи органга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хукуқий экспертиза якунлари бўйича холосаси ва тушунтириш хати билан киритилиб, унда:

– хужжатни қабул қилиш зарурияти асосланади, шу жумладан, норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш топширифи мавжуд норматив-хукуқий хужжатлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, юқори турувчи органнинг топшириқлари тўғрисидаги маълумотлар (топшириқ мавжуд бўлганда) киритилади;

– ишлаб чиқувчи кўрсатилади;

– норматив-хукуқий хужжат мазмунининг қисқача тавсифи берилади;

– норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси предметига тегишли бўлган халқаро хужжатлар ва хорижий мамлакатлар қонунчилигининг принциплари, қоидалари ва таърифлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади;

– норматив-хукуқий хужжат лойиҳасида фойдаланилган бошқа норматив-хукуқий хужжатларга ҳар бир ҳаволанинг асослантирилиши акс эттирилади;

– норматив-хукуқий хужжатни қабул қилишдан кутилаётган натижалар кўрсатилади;

– лойиҳа жамоатчилик ва (ёки) мутахассислар муҳокамасидан ўтказилганлиги ва унинг натижалари тўғрисидаги, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталада лойиҳани муҳокама қилиш натижалари тўғрисидаги ахборот акс эттирилади;

– лойиҳа келишилган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг рўйхати келтирилади;

– норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси бўйича келишмовчиликларнинг мазмуни ҳамда улар ҳақидаги асослантирилган фикр қисқача баён этилади.

Норматив-хукуқий хужжат лойиҳасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган шаклда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларига дахл этувчи норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси таъсирини баҳолаш тўғрисида ҳисобот, молиявий-иктисодий ҳисоб-китоблар, статистика маълумотлари мажбурий тар-

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг гендер экспертизасини ўтказиши

тибда илова қилинади. Зарурат бўлганда, норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун бошқа маълумотлар илова қилиниши мумкин.

Ишлаб чикувчи қонун лойиҳасини киритаётганда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида қонун лойиҳаси бундан мустасно халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидаларини, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифларни кетма-кетлик тартибида кўрсатган ҳолда таҳлилий қиёсий жадвалларни тайёрлаши шарт.

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг принциплари, қоидалари ҳамда таърифларининг тайёрланган батафсил таҳлилини ўз ичига олган қиёсий жадвалсиз киритилган қонун лойиҳаси ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида қонун лойиҳаси бундан мустасно кўриб чиқилмайди.

Ишлаб чикувчи томонидан тўғридан-тўғри амал қилувчи механизмга эга бўлмаган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритишга йўл қўйилмайди.

Юқорида биз норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тайёрланиши ва уни қабул қилувчи органга киритишгача бўлган жараён ҳақида тўхталиб ўтдик. Таъкидлаб ўтилган барча жараён ва босқичларда муҳим бир йўналиш – ГЕНДЕР ЭКСПЕРТИЗАСИни ўтказишидир. Ўзбекистон Республикаси охирги йилларда демократик ислоҳотларни кучайтириб борар экан, ислоҳотлар замира – аввалимбор, Инсон, унинг эркинликлари ва хуқуқларини кафолатлаш турганлигини бутун дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Бу ислоҳотларнинг стратегик асосида “2021— 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг еттига устувор йўналиши бўйича 100 та мақсадни кўзлаган Тараққиёт стратегияси” турибди. Мазкур ҳужжат мамлакатни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларни юзага келтиришда мутлақо янги даврни бошлаб берди. Бу даврнинг ўзига хослиги шундаки, Президент Ш.Мирзиёев томонидан давлат ва жамият бошқарувида

парламент ва сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ва шу орқали давлат ва жамиятнинг ҳамоҳанг ислоҳ қилинишига эришиш, демократик ҳуқуқий давлат шаклланишида фуқаролик жамиятининг ролини оширишга қаратилган сиёсат амалга оширилмоқда. Парламент ва сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш борасида кўйилган жиддий қадамлардан бири сифатида 2018 йил 8 августда қабул қилинган ПФ-5505 сонли “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонини мисол қилиш мумкин. Концепциянинг қабул қилинишидан мақсад “амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга, тадбиркорлик субъектларининг кафолатлари, ҳимояси ва қўллаб-қувватлашини таъминлаш, уларнинг фикрларини тўлақонли ҳисобга олиш ва «Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун» принципини ҳар томонлама рўёбга чиқаришга қаратилган тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш”dir.

Айнан мана шу жараёнда талаб этиладиган муҳим масалалардан бири қонунларнинг гендер экспертизасини ҳам ўтказишидир. Гендер экспертизасини ўтказиш орқали Ўзбекистон Республикаси, биринчидан, халқаро ҳужжатларда белгиланган аёлларга нисбатан камситилишнинг ҳар қандай кўринишига барҳам беришдек мажбуриятни амалга оширса, иккинчидан, концепцияда белгиланган инсон манфаатларини устун қўйиш мақсадини амалга ошириш механизми яратилади.

Кўйида биз гендер ўзи нима? деган саволга жавоб бериш орқали гендер экспертизаси зарурати, уни ўтказишида нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақидаги тавсияларни ҳавола қиласиз.

II БОБ. ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ГЕНДЕР ЭКСПЕРТИЗАСИННИГ АҲДАМИЯТИ

2.1

Гендер тушунчаси

Гендер тушунчаси аёл ва эркакнинг жамиятдаги ижтимоий ўрни ва ролини аниқлайди. Бу инсоннинг жинси (эркак ва аённинг биологик жиҳатдан ўзига хослиги)ни аниқлаш ёки аёлнинг ўзигагина тааллукли бўлган тушунча эмас, балки жамиятда эркак ва аёлнинг туттган ўрни, жамият томонидан уларга нисбатан белгиланган жамоадаги ва оиласидаги вазифалари, роли ва функциялари йиғиндисидир.

Гендер ижтимоий жинс деган тушунчани беради ва уларнинг тенглигини эътироф этади.

Гендер аёл ва эркак муносабатларининг мажмуини ташкил этади ва у ривожланиш жараёнининг барча босқичларида: оиласада, жамиятда, таълимда, сиёсатда намоён бўлади. Бошқача айтганда, жинс – аёл ва эркакнинг биологик фарқланишини билдиурса.

Гендер хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий тенглигидир

Гендер тенглиги – бу аёл ва эркакнинг ижтимоий қадрли неъматларга, имконият, захира ва шароитларга бир хилда эга бўлишини англатади. Гендер тенглиги эркак ва аёлнинг бир хил бўлиб қолишини эмас, балки уларнинг тенг имконият ва ҳаётий шарт-шароитларга эга бўлишидир.

Гендер тенглиги зарурати шундан келиб чиқадики, турли миллат ва элатларда асрлар оша аёл ва эркак ўртасида, уларга берилган имкониятлар ва шароитлар ўртасида тафовутлар мавжуд бўлиб, уларни бирхиллаштириш, тенглаштириш зарурати долзарблигича

қолмоқда. Жамиятда ана шундай тафовутлар натижасида аёллар-нинг ҳақ-хукуқлари камситилиши, имкониятлари чегараланиши каби иллатлар мавжуд. Бу эса қүйидагиларда намоён бўлади:

Жинс бўйича бевосита камситиш:

- жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг хукуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш;
- шу жумладан оилавий ҳолати;
- ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш;
- шаҳвоний тегажоғлик қилиш;
- teng меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш.

Жинс бўйича билвосита камситиш:

- бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулай ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш;
- шу жумладан, гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш;
- муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш ҳолатларида намоён бўлади.

2.2 Гендер экспертизаси тушунчаси ва вазифалари

Гендер экспертизаси тушунчасининг маъноси унга киритилган икки атама билан белгиланади. Гендер ижтимоий жинс ва уларнинг тенглигини билдиради.

Экспертиза (лотинча экспертус - тажрибадан олинган) «ҳар қандай масалаларни мутахассис (эксперт) томонидан ўрганиш, уни ҳал этиш фан, техника, санъат соҳасида маҳсус билимларни талаб қиласи»деган маънони англатади.

Гендер экспертизасининг мақсадлари:

- норматив-хукуқий ҳужжатларнинг хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини назарда тутган конституцион принципга мослиги;

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг гендер экспертизасини ўтказиш

- жинсига кўра камситишга йўл қўядиган ҳолатларни аниқлаш;
- гендер тенглиги бўйича халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;
- кундалик гендер эҳтиёжлари ва талабарини ҳисобга олиш даражасини аниқлаштириш;
- хотин қизларнинг ва эркакларнинг ҳуқуқларини камситувчи ёхуд чекловчи ҳолатларни аниқлаш;
- бевосита ёки билвосита камситиш орқали бошқа жинс ва килларининг тенгсизлигини келтириб чиқарувчи белгиларни аниқлаштириш;
- Давлатнинг хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқларини кафолатлашда мувозанатли ёндашувни ўрнатиш;
- Хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан жисмоний ва бошқа турдаги зўравонликни рағбатлантиришга йўналтирилган ҳолатларни бартараф қилиш.
- норматив-хуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин- қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш.

2.3

Гендер экспертизасининг субъектлари

Гендер экспертизасини ўтказиш субъектлари қўйидагилар:

1. Давлат органлари – Адлия Вазирлиги, Ички Ишлар Вазирлиги, Соғлиқни Сақлаш вазирлиги, Олий ва Халқ таълими вазирликлари, Бош прокуратура ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари;
2. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолияти билан шуғулланувчи институтлар;
3. Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти-нинг бошқа институтлари.

2.4

Гендер экспертизасини ўтказиш усуллари

Қонунларнинг гендер экспертизасини ўтказиш бүйича экспертилар ўzlари томонидан ишлаб чиқилған усуллардан фойдаланадилар. Коида тарықасида, амалдаги қонунларни гендер экспертиза қилиш инсон ҳуқуқлари ва әркинликлари бүйича ўтказиладиган мониторинглар доирасида амалга ошириб келинади.

Қонунчилликнинг ҳар қандай экспертизаси асл мақсади унинг самарадорлигини кучайтиришга қаратылади. Шундан келиб чиқиб, эксперт олдида ўрганилаётган қонун ёки қонун лойиҳасининг қанчалик умумәтироф этилган принципларга мослигини ўрганиш вазифаси туради. Эксперт аввалимбор, у ёки бу ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ нормаси билан тартибга солиниши зарурми ва у ижтимоий қабул қилинган маънавий ва ахлоқ қоидалари даражасида тартибга солинганлыгини аниқлаштириши, мободо, бундай ҳуқуқий норма мавжуд бўлса, уни синчилаб ўрганиши мақсадга мувофиқ.

Гендер экспертизасини ўтказувчи шахс:

- Ўрганилаётган ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини;
- Амалдаги қонунларга қарама-қарши эмаслигини;
- Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларга мослигини ўрганиб чиқади.

Гендер тенглиги бүйича ўтказиладиган экспертиза жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Преамбула қисмидабаён қилинган умумәтироф этилган халқаро нормалар устуворлиги, деган Конституциявий қоидага амал қилинади.

Гендер экспертизасида таҳлил қилинаётган нормалар бизнинг мамлакатимиизда ратификация қилинган халқаро Конвенциялар (шартномалар) нормалари билан таққосланади (Бу ерда гап БМТ-нинг “Хотин-қизларга нисбатан камситилишнинг барча формаларига барҳам бериш тўғрисида (1979 йилда)”ги 1995 йил Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатлар тўғрисида кетмоқда).

Гендер экспертиза қилиш давомида инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, аёллар ҳуқуқларига оид бошқа универсал, регионал ва тар-

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг гендер экспертизасини ўтказиши

моқ ҳалқаро ҳужжатларига ҳавола қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, норма ижодкорлиги органлари, биринчи галда, парламент, ҳалқаро ташкилотларнинг гендер тенглигини таъминлаш бўйича берган тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилинишига эътибор қаратишлари зарур. Ўзбекистон 2015 йил 25 ноябрда БМТда “Хотин-қизларга нисбатан камситилишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида (1979 йилда)”ги Конвенция ижроси бўйича бешинчи миллий маърузасида тавсиялар берилган. Ўзбекистон БМТнинг тенг хуқуқли аъзоси сифатида ҳалқаро умумёттироф этилган принципларга амал қиласди ва барча даражадаги миллий маърузаларга нисбатан берилган тавсияларни ўрганиб, уларни миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўриб келади.

Жинсий мансублигидан қатъи назар, шахсларнинг хуқуқлари, мажбуриятлари, имкониятлари ва жавобгарликларини белгилашда юзага келиши мумкин бўлган номутаносибликларни бартараф этиш мақсадида жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳалари, шу жумладан, сиёsat, иқтисодиёт, хуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Гендер-хуқуқий экспертизаси қўйидаги талаблар асосида ўтказилади:

– норматив-хуқуқий ҳужжатлар нормалари ва қоидаларини ҳамда уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, қонунда белгиланган тартибда кучга кирган ҳалқаро шартномалар ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқлар ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан гендер таҳлилдан ўтказиш;

– норматив-хуқуқий ҳужжатлар нормалари ва қоидалари ҳамда уларнинг лойиҳаларининг гендер тенглик принципларининг ҳар бир таркибий қисми (тенг хуқуқлар, тенг жавобгарлик, тенг имкониятлар, тенг мажбуриятлари) билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш. Бунда сиёсий, иқтисодий, меҳнат ва бошқа ижтимо-

ий муносабатларда амалдаги тенглика эришишга қаратилган, бироқ жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш ҳисобланмайдиган нормалар ва вақтингча маҳсус чораларни инобатга олиш лозим;

– таҳлил қилинаётган норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларида қўлланиладиган атамаларнинг тўтри маънода ишлатилишини текшириш.

Гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказишида қўйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

– норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг гендер тенглика эришиш соҳасидаги давлат сиёсатига мослиги;

– мамлакатдаги жорий гендер ҳолат, лойиҳа қоидаларининг хотин-қизлар ва эркакларнинг турли ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва ролига таъсири.

Норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳалари гендер-хуқуқий экспертизасининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

– гендер соҳасидаги норматив-хуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ ҳамда қабул қилинадиган қарорларнинг асослилигини ва ишончлилигини таъминловчи объектив фактларни белгилаш;

– норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари қабул қилинишининг юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини инсон хуқуқлари ва гендер тенглика риоя этиш, шунингдек, амалда қўллаш механизмларини кафолатлаш ва таъминлаш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва баҳолаш;

– норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларидаги қоидаларнинг гендер тенглик принципларига салбий таъсирининг олдини олиш (огоҳлантириш);

– гендер тенгликни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни та-комиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиши;

– гендер-хуқуқий экспертиза соҳасида маҳсус билимларни талаб қиласидиган масалаларни тушунтириш.

Норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-хуқуқий экспертизаси қўйидаги асосий принципларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади:

– гендер-хуқуқий экспертизани ўтказишининг мажбурийлиги – жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини тартибга солув-

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг гендер экспертизасини ўтказиш

чи норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини ҳеч қандай мустасносиз гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказиш;

– қонунийлик — норматив-хуқуқий ҳужжатлар нормалари ва уларнинг лойиҳаларининг қоидаларини юқори юридик кучга эга бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини таъминлаш;

– мустақиллик — гендер-хуқуқий экспертизани лойиҳа ишлаб чиқувчи таркибий бўлинма бўйсунуvida бўлмаган ва бевосита норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ишлаб чиқилишида қатнашмаган эксперталар томонидан ўтказиш;

– холислик — гендер-хуқуқий экспертизани холис, қонунчилик, назарий ва амалий асосга таяниб, тегишли мутахассислик доирасида ҳар томонлама ва тўлиқ ўтказиш;

– комплекслик — эксперт томонидан гендер-хуқуқий экспертизани норматив-хуқуқий ҳужжат ва унинг лойиҳасининг барча қисмларини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш.

Гендер экспертизасининг хulosаси

– Гендер экспертизасининг хulosаси норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг барча талабларга мувофиқлиги тўғрисида оқилюна хulosаларни ўз ичига олиши керак.

– Хулоса объектив, далилларга асосланган ва асосли бўлиши керак. Кўллаб-кувватловчи ҳужжатлар, хulosалар ва шарҳларни таҳлил қилиш норматив-хуқуқий ҳужжатнинг аниқ қоидаларига, зарур ҳолларда эса илмий-техник материалларга мурожаатлар билан бирга олиб борилиши лозим. Суд статистикасидан фойдаланиш;

– Жамоатчилик фикрини сўров ўтказиш, эксперталар сўровини ўтказиш;

– таҳлил қилинган норматив ҳужжат билан тартибга солинадиган муносабатлардаги дискриминация фактлари ҳақида сўз юритадиган тадқиқот мавзуси бўйича бошқа маълумотларни (масалан, ОАВ ҳисоботларини) таҳлил қилиш;

– Мазкур АҚТ нормаларининг миллий Қонунчилик ва халқаро-хуқуқий актлар нормалари билан боғлиқлиги;

– Агар гендер экспертизаси натижасида фуқаролар учун жинсга қараб турли оқибатлар юзага келиши эҳтимоли аниқланса (бун-

дай ҳолатда жинслардан бирининг аҳволига ёмон таъсир этади), бу муаммонинг ечимларини ишлаб чиқиш зарур.

– Норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг гендер-хуқуқий экспертизаси;

– Жинс бүйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-хуқуқий хужжатни ёки унинг лойиҳасини хотин-қизлар ва эркаклар учун teng хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқ әмаслигини аниқлашга;

– Жинси бүйича бевосита ёки билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашга;

– норматив-хуқуқий хужжатларни қўллаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ва камситиш хусусиятига эга хавфларни аниқлашга;

– жинси бүйича бевосита ёки билвосита камситишга йўл қўядиган ва аниқланган нормаларни бартараф этишга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилгандир.

Инсон хуқуқларини хуқуқий тартибга солишининг замонавий талаблари қонуншуносдан гендер тенглиги нуқтаи назардан аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам хуқуқларини мутлақо камситмасдан ёндашишни талаб қиласди. Аёллар ва эркакларнинг биологик жиҳатдан ҳар хил эканлиги уларнинг хуқуқ ва эркинликларини белгилашда дифференциал ёндашиш кераклигини англатмайди. Аёллар ҳам, эркаклар ҳам инсон сифатида бир ҳил табиий ва ажралмас хуқуқларга эгадирлар. Қонуншунос қонунни яратар экан, бу хуқуқ ва эркинликларни қонуний шаклга киритар экан, уларнинг давлат томонидан кафолатланиши ва уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш механизмини яратиши лозим.

Шу мақсадда, амалдаги қонунларни ва қабул қилинаётган қонун лойиҳаларини гендер экспертизасидан ўтказиш бугунги замон талабларидан биридир. Ўзбекистон қонунчилигига гендер экспертизасини ўтказиш тартиб тамойиллари шаклантирилмоқда. Ўзбекистон ҳам Халқаро хуқуқ субъекти сифатида халқаро хуқуқнинг умумъетироф этилган принципларига, талабларига жавоб бериши, қабул қилинаётган қонунларда гендер тенглигини таъминлашни назарда тутмоғи даркор.

САИДОВА ЛОЛА АБДУВАХИДОВНА

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ
ГЕНДЕР ЭКСПЕРТИЗАСИНИ
ЎТКАЗИШ

Методик қўлланма

Муҳаррир: С.Алимходжаева

Мусаҳҳиҳ: С.Алимходжаева

Компьютерда саҳифаловчи: М.Холиқов

Босишга рухсат этилди 22.04.2022.
Бичими 60x841/16. Босма табоғи 1,5.
Буюртма №13. Адади 100 нусха.